

---

“Мингтут” маҳалласида жойлашган 2 та ичимлик сув иншоотида юзага келган носозликлар бир кунда бартараф этилди

Ўзбекистон туманининг “Мингтут” маҳалласида жойлашган 33-умумтаълим мактаби ҳудудидаги ҳамда Хаётобод қишлоғидаги ичимлик суви иншоотларида носозлик юзага келган эди.

Муаммони ҳал этиш мақсадида “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ туман бўлими ходимлари томонидан зарурий чоралар кўрилди. Хусусан МЧЖнинг махсус техника ва ишчи кучлари жалб этилиб, ҳар икки сув иншоотидаги мавжуд носозликлар бартараф этилди ҳамда ҳудуд ахолисининг барқарор тоза ичимлик суви таъминоти қайта тикланди.

2022-02-22 15:27:41